



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 21 апрель №82 (3357)

Чоршанба

ХАЗИНАТОПАРЛАР



Мўътабар китобларда ёзилишича, ер устида қанчалик сир-синоат кўп бўлганидек, ер ости ҳам ундан кам эмас. Табиийки, ер остининг сир-асроридан воқиф бўлишнинг имкони чега-раланган.
Зукко геологлар, ер ости бойликларини қидирувчилар, қолаверса, бургуловчиларнинг заҳматли меҳнатлари туфайлигина сизу биз бебаҳо неъматлардан баҳраманд бўламиз.

Бургуловчилар... Унча-бунча қасбга ўхшамайдиган бу соҳа эгалари учун тоғу тошми, чўлу биебонми, аҳамияти йўқ. Муҳими, давлат қудратининг таянчи, нефть, газ ва бошқа табиий ресурсларни ер остидан қазиб чиқарсалар бўлгани.

Ҳаётда умидвор яшашга ҳамма ҳақли. Аммо, бизнингча, энг умидлилар бургуловчилар бўлса керак. Чунки, ҳар бир қарич ер бургуланганда уларда умид уйғонаверади. Зеро, унинг замирида юрт манфаати ифодаланган.

Сиз суратда кўриб турган Азамат Утепбергенов бургуловчилик касбини улуғлаб келаётганлардан бири. У Уст-Юрт бургулаш ишлари бошқармасига қарашли 3-бургулаш кудуғида меҳнат қилади. Азамат ер остидан нефть ва газ топиш умидида сидқидил тер тўкмоқда. Биз унга, Илоҳо, умидинг ушалсин, дея ният қиламиз.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг қўшма йиғилиши бўлди. Уни Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов бошқарди.



Тотувлигимизга ҳеч ким раҳна сололмайди

Маълумки, шу йил 10-11 март кунлари Франциянинг Страсбург шаҳрида Ўзбекистон — Европа парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг мажлиси ўтказилган. Унда инсон ҳуқуқлари, гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш ва сотишга қарши курашиш, шунингдек, иқтисодий алоқаларни ҳар қачонгидан ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Олий Мажлисининг иккала қўмитаси ва комиссияси қўшма йиғилишида ўша масалалар юзасидан имзоланган ҳужжатлар муҳокама қилинди. Сунгра март ойи ниҳоясида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатларига муносабат билдирилди. Депутатлар ва бошқа иштирокчилар бу машъум ҳолатларни қатъий қораладилар. Ёвуз ниятли кучлар фуқароларимиз тинчлиги ва оқсоқилларимизга соя ташлолмаслигини, халқимиз жипслиги, тотувлиги ва яратувчанлигига раҳна сололмаслигини, мамлакатимиз куч-қудратига ҳеч қачон ва ҳеч қандай путур етказолмаслигини алоҳида таъкидладилар. Шу асно Европа Иттифоқининг минтақавий алоқалар бўйича раҳбари А.Ди Пьетро юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари жаҳон тараққийлар-вар жамоатчилигини ҳазаблантирганини билдириб, парламентимизга йўллаган хатта жиддий эътибор қаратдилар.

Қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси имзоланган ва қўшилган инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатларнинг иккала қўмита ва комиссиянинг иш режасига мувофиқ ўзбек тилига ўғирлиги, чоп этилган тўплами тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Дарвоқе, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқларига бевосита дахлдор олтишдан зиёд халқаро шартномага қўшилган бўлса-да, уларнинг аксарияти ҳозирга қадар ўзбек тилига ағдарилмаган ва тўплам сифатида омма қўлига бориб тегмаган. Эндиликда бу муаммо Олий Мажлисининг юқорида номлари тилга олинган қўмиталари ва комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимларининг, бошқа бир қатор мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли илҳомий ечим топди. Халқаро ҳужжат-шартномалар кенг жамоатчиликка етиб борадиган бўлди. "Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар" тўплами ана шу интилишлар махсулидир. Бундан ташқари, ЮНЕСКОнинг айрим ҳужжатлари ҳам давлат тилига ўғирлиги бўлиб, яқин вақт ичда китоб ҳолида нашр этилиши мўлжалланмоқда.

Қўшма йиғилишида Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар ҳамда иккала қўмита ва комиссиянинг сессиядан сессиягача бўлган даврдаги ишлари, тайёрланган қўнунлар лойиҳалари ва республикамизнинг бир қатор халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги ахборотлар тингланди ва муҳокама этилди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

БРИТАНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖА-БОЕВ). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия — Ўзбекистон жамияти президенти Тимоти Сейнсбурри ҳамда Савдо ва сармоа бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ало-

қаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Таъкидламок жоизки, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 2002 йилда 302,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили 356,1 миллион долларга тенг бўлди. Ўзбекистонда Буюк Британия сармоадорлари иштирокида ташкил этилган 161 корхона рўйхатга олинган. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида мазкур мамлакатнинг 35 компанияси ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Ташқи ишлар вазири

Содиқ Сафоев билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг бориши, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, террорчиликка қарши курашга доир масалалар музокаранинг бош мавзуси бўлди. Меҳмонлар шу кунги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

Кеча пойтахтимиздаги Банклар уюшмасида Осие Тараққиёт Банк томонидан республикамиз кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган учта грант лойиҳасини амалга ошириш бўйича тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигига — Япония грантлари

Мазкур маблагни Япония ҳукумати молиялаштирган бўлиб, у Осие Тараққиёт банкнинг махсус Япония жағмараси томонидан тақдим этилди.

Мамлакатимиз аграр соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ушбу лойиҳаларнинг аҳамияти катта. "Ғаллачилик соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш" деб номланган биринчи лойиҳа учун 400 минг АҚШ доллари ажратилган бўлиб, у республикамиз кишлоқ хўжалигига бозор муносабатлари шароитида ғаллачиликни такомиллаштиришга мўлжалланган.

"Ер ресурслари ва мулкчилик ҳуқуқларини рўйхатга олишни бошқариш учун умумлашган кадастр тизимини яратиш" номли иккинчи грант лойиҳаси учун 500 минг АҚШ доллари ажратилган. Лойиҳа кадастр тизимини яхшилаш, ердан фойдаланиш ва мулкни рўйхатга олишнинг умумлашган мониторинг механизмини такомиллаштириш соҳасида ҳукуватимизга ёрдам беришни кўзда тутган. У Сирдарё вилоятидаги фирмаларга айлантирилган бир туманда тажрибадан ўтказилди.

"Сув хўжалигида сиёсий ва институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш" номли учинчи лойиҳа учун 500 минг АҚШ доллари миқдорда техника ёрдам ажратилди. У сувдан фойдаланишда миллий, ҳавзавий ва вилоятлар доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тизимдаги янги бошқариш идораларининг имкониятлари ва қувватларини кенгайтириш борасида ҳукуватимизга кўмак беради. Шу мақсадда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида янги сув хўжалигида ислохотларни қўллаб-қувватлаш бўлими тузилди.

Ҳасил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Эътироф ва эҳтиром

"Муҳаммад Юсуф — мустақиллик йиллари вояга етган, эл ўртасида шухрат топан шоиригимиз. Бу юрт равнақи, гуллаб-яшнаши учун сидқидилдан хизмат қилган инсонлар юксак эътиборга лойиқ бўлишининг исботи сифатида бу тантанага тўпланиб турибмиз.

Республикамиз миқёсида шoir юбилейининг ўтказилиши ҳукуватимиз томонидан ижодкорларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси, деб айтсак хато қилмаган бўламиз."

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов Алишер Навоий номидаги Республика миллий кутубхонасида Муҳаммад

Юсуфнинг 50 йиллигига бағишланган кечани шундай сўзлар билан очди.

Ҳақиқатан ҳам, Муҳаммад Юсуф ўз ижоди билан халқимизнинг юксак иқтидорли ва севиқли шoirи сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Унинг қаламидан тўқилган сатрлар йиллар оша яшайверади. Кечда иштирок этган Азим Суян, Саъдулла Ҳаким, Абдулла Аъзамов, Сирожиддин Саййид, Фарид Афруз, Мирпўлат Мирзо ва бошқа шoir ҳамда ёзувчилар Муҳаммад Юсуф ижодини яна бир эътироф этишиб, ижодкор ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

Пойтахтимиздаги ҳарбий аэродром байрамона тус олган. Йигитлик бурчини шараф билан ўтаганлар саф тортган. Сурхондарё вилоятидан қақрилиб, Тошкентдаги ҳарбий қисмларда хизмат қилган бу йигитлар айни чоғда уйларига қайтиш тараддудида.

Улар билан ёнма-ён турган бўлган аскарлар эса Сурхондарёдаги ҳарбий қисмларга йўл олишга чоғланиб турибдилар.

Давлатимиз мадҳияси янгради. Тантанани мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, жангчиларга келгусидаги ҳаётларига муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирокчиларни куллар экан, Ватанимизнинг шундай жасур ўғлонлари борлиги учун ҳаётимиз осойишта, сарҳадларимиз мустахкам эканини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жағмараси раиси Аъзам-

Акалар уйга, укалар хизматга



публика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жағмараси раиси Аъзам-

жон Гадоибоев ва бошқалар сўзга чиқибди. Хизмат мобайнида наму-

на кўрсатганларга ўқини-га киришлари учун тавсияномалар топширилди.

Тошкентдан Термизга қараб учган самолётда йигитлар эсон-омон қўзланган манзилга етиб борган. Термиз аэропортида ҳам тантана бошланиб кетди. Ўз ўрнида жанбий сарҳадларда армия ҳаётини ўтаган аскарларни Тошкентда уларнинг ота-оналари, туғишганлари шодна билан кутиб олдилар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири. Сарпар Ҳасенов (ЎзА) олган сурат.

Сугурта бозорини ривожлантириш йўлида

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири О.НОРБЕКОВ).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (ТИСА) билан ҳамкорликда ташкил этган ҳафталик халқаро ўқув семинари сугур-

та компаниялари фаолиятининг тартибга солиниши ва давлат томонидан назорат қилинишига бағишланган. Унда юртимиз сугурта ташкилотлари мутахассислари билан бирга Озарбойжон, Грузия, Қирғизистон каби дав-

латлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги "Сугурта бозори янада эркинлашти-

риш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўляпти.

Анжуманда минтақамиз мамлакатлари сугурта хизматлари вакиллари малакасини ошириб, ўзаро тажриба алмашади.

«Салоҳият» иш бошлади

Кеча пойтахт вилоятининг Паркент туманидаги "Бойқозон" ширкат хўжалигида «Салоҳият» ёшлар маркази иш бошлади. Ушбу марказ кишлоқ ёшларига жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашади.

Марказда тикувчилик, қандолатчилик, миллий ҳунармандчилик сингари бир қатор тўғараклар, ёшлар клиникаси, компьютер савдохонлиги маркази ва кўплаб спорт тўғараклари фаолият юрита бошлади.

— Қизларимиз эртанги уй бекалари, — дейди "Миллий ҳунармандчилик" тўғараги раҳбари Манзура Орзиева. — Шу боис ҳам уларга бу ерда кўрпа қавишдан тортиб,

миллий либослар тиқишгача ўргатамиз. Зулфия Тўхтаева раҳбарлик қилаётган тикувчилик тўғарагида эса унга яқин қизлар турли либослар тиқиш билан машғул.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жағмараси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тошкент вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил

этилган ушбу мажмуага ширкат хўжалиги билан бир қаторда "Файз-Баракка", "Мактаб-Мебель" сингари бир қатор ташкилотлар ҳомийлик қилишди.

Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Мажмуада ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Хушхабар


МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Козогистоннинг Усть-Каменогорск шаҳрида армрестлинг бўйича ўтган Осие чемпионатида Ўзбекистон вакиллари — М.Шаропов 53 килограмм вази тоифасида иккита, А.Асадов 63 килограмм вази тоифасида иккита, Ф.Усмонов 105 килограмм вази тоифасида учта олтин медални қўлга киритди.

Ф.Керимов, И.Панафидин ва Е.Смирнова фахрийлар ўртасида чемпион бўлди.

Вакилларимиз жами 10 олтин, 7 кумуш, 13 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобидан иккинчи ўринни эгаллади.

Хулқар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.



Олий Мажлис XIV сессияси олдидан
Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси икки сессия оралиғида бир қатор ишларни амалга оширди.

Қонунлар

тараққиётга хизмат қилади

Республикамиз қишлоқ ҳўжалигини изчил жорий этилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичи бошланди. Фермер ҳўжаликлари соҳада фаолият юритишнинг энг мақбул усули, деб ҳисобланмоқда.

қўзда тутилмоқда. Унда фермер ҳўжаликлари ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, низоом жамғармаларини шакллантириш масалалари, фермерларга ер ажратиш ва ундан унумли фойдаланиш тартиблари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фермерларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар ва бошқа бир қатор масалалар қайтадан кўриб чиқилиб, қонуннинг янги таҳририда акс эттирилмоқда.

Қабул қилинган қонунлар ижроси ҳам кўмита томонидан доимий равишда назорат-таҳлил қилиб борилаётган. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири, "Узкимса-ноат" компанияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат кимё комиссияси билан биргаликда "Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зараркундлардан қасалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ўрганиб чиқилди.

Кўп ҳолларда амалга оширилаётган ишлар режасиз, пала-партиш олиб борилаётгани оқибатида нафақат қишлоқ ҳўжалигига, балки халқ ҳўжалигига катта иқтисодий зарар етказилмоқда. Шунингдек, бу таъминоти масаласида ҳам камчилик-

нарлиси, айрим мутасадди ташкилотларнинг етарли эътибор бермасликлари оқибатида ерларнинг мелiorатив ҳолати ҳам ёмонлашиб бормоқда. Бундай ташвишли аҳволни Сирдарё, Жиззах, Қашқадарь, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қўллаб урратиш мумкин.

Мамлакатимизда шўрланган ерлар 2,4 миллион гектарни ташкил этмоқда. Шундан 416,7 минг гектари қучли даражада шўрланган. Бунга асосан канал ва зовурларнинг вақтида тозаланмаслиги тўғрисида эътибор берилмади. Мутасаддиларнинг қўрилиши сабаб бўлмоқда. Мутасаддилар фикрича, экинлар ҳосилининг 15 фоизи ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмонлиги тўғрисида йўқотилади.

Бундан ташқари, ерлардан ҳўжасизларча фойдаланиш ҳоллари кўпайиб учрамоқда. Семинарда "Ер кодекси"нинг тегишли талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари урраётганлиги ҳам таъкидланди. Уларни бартараф этиш зосидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Кўмита ўз ваколати доирасига кирадиган бошқа масалалар буйича ҳам илmiй-тадқиқот институтлари олимлари, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда илmiй-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда.

Ҳосил ҚАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Тайёр хомашё тақдири

ёки унинг омборларда туриб қолишига қим жавобгар?

Кейинги йилларда Жиззах вилоятида пилла тайёрлаш режалари мунтазам урдалаб келинмоқда. Соҳанинг озуқа базасини мустаҳкамлашдаги интилишлар ҳам чакки эмас. Бир пайтлардаги барг муаммоси энди йўқ. Утган йилдан бери яна 710 минг туп тўт қўнани ўтказилди. Жиззах туманидаги Улуғбек номли ширкат ҳўжалигида тўт уругидан кўчат етиштириш йўлга қўйилгани, жойларда янги тўтзорлар барпо этиш учун қўшимча 24 гектар ер ажратилгани ҳам айни мўддао бўлди.

Маълум бўлишича, вилоят "Пилла" акциядорлик жамияти 2001 йилдан бунён Марғилондаги "Туроншой" пиллақашлик фабрикасида 53 миллион сўм қарзини ололмади, ҳозиргача овора. "Тошкенттола" корхонасининг ундан қарзи эса 35 миллион сўм. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Қарангки, акциядорлик жамиятининг вилоят ҳў-

назаримизда, энг осон йўл танланди. Низоом жамғармаси 18,481 минг сўм бўлган "Пилла" акциядорлик жамиятини маъсулияти чекланган жамиятга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

— Жамоа номи, шакли ўзгаргани билан аҳвол яхшиланиб қолмайди, — дейди Дўстлик туманидан пиллачилик мутасаддиси, жамият аъзоси Уктам Холбоёв. — Илмиш, елиб-югуриб ишлаш керак. 1986 йилдан шу соҳада ишлайман. Яқингача туманда етиштирилган пилла ҳосилини нафақат республикамиздаги вилоятларга, балки Корея Республикаси ва Япония каби мамлакатларга ҳам сотардик. Харидор топардик. Вилоятимизда, айникса, тоғли ҳудудларда етиштирилган хомашё сифати алоҳида ажралиб туради. Менимча, жамиятнинг туман бўлигига кенгроқ ваколат бериш лозим. Хар ким ўзи тайёрлаган ҳосил учун ўзи жамғарди. Маҳсулотга харидор топши, уни қайта ишлаш чораларини кўришда акциядорлар, таъсисчилар жалб этилса, уларнинг ёрдамига суянилса, айни мўддао бўлмайми?



Пиллачилик

ликларидан қарзи буларданда қўн — 183 миллион сўмдан ошди. Бунинг устига, "Асакабан"дан олинган 170 миллион сўмлик қарздан қўрилиш муаммоси ҳам бор.

Ҳўш, аҳволни ўнглаш, етиштирилган хомашёга вақтида харидор топши учун нима қилиш керак? Ахир, қанча-қанча маблағ, меҳнат эвазига олинган ҳосилнинг йиллаб туриб қолиши, сифати бузилишининг олдини олиш мумкин эмасми? Омборларда ётган хомашёга яна 1-1,5 ойдан кейин бу йилги маҳсулот ҳам қўшилиди.

Балки хомашёни вилоятнинг ўзида дастлабки қайта ишлашни йўлга қўйиш, зарур бўлса таъбир маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозимдир? Ана шунда акциядорлик жамиятининг низоом жамғармасини қонунда белгиланган даражада етказиш ҳам мумкин бўларми?

Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонидан кейин акциядорлар йилги ишлардан деҳқон ҳўжалиги — томоқчи нима манфаат кўрмоқда? Томорқчининг қосқини корхона оқартирарми? Ҳамкор бўлиб ишларми? Афсуски, бу саволларимиз ҳам очик қолди.

Ҳўш, бугунги томоқчи деҳқон Ойбекнинг "Қўтлук қон" романида тасвирланган қўнунчилик мустар бўлиб қолмаслиги учун нима қилиши, қандай тадбир кўрмоғи керак?

— Деҳқондан маҳсулот сотиб олиши учун бизга нақд пул берилса мақсадга мувофиқ бўларди, — дейди Фахриддин Чориев.

— Шартнома интизомини йўлга қўймоқ, ҳеч бўлмаганда томоқчининг манфаатини ҳимоя қилишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг маъсулиятини оширмоқ лозим. Деҳқонни ички ва ташқи бозорга яхшироқ жалб этишни уйлаш керак, — дейди шўрчилик фуқаро Бозор Мухаммадиев. — Режаларимиз ишларимизга мос бўлмоғи зарур.

Дарвоқе, шу кўнларда Сурхондарёда пивз пишиб етилди, май ойдан полиз бозори очилди. Томорқа пайкалари қишин-ёзин — йил ўн икки ой обод. Бу ободликдан бозорларимиз, дастурхонимиз, ризқузинимиз обод.

Томорқчилик деҳқонларга ғамхўрлик кўрсатмаслиқ уларнинг рангини сарғайтириш, шаштини сиңдириш қўлини ишдан совишти билан барбор эмасми?

Олимжон УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Таклиф

Янада тақомиллаштирилса...

Дунёда ягона дея эътироф этилаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик институтининг ҳуқуқий асоси ҳар жиҳатдан шишқ-пўхта бўлиши керак. Ана шу маънода "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳаси маромида тайёрланган. Уни янада тақомиллаштириш учун ўз мулоҳазаларини билдирмоқчиман.

Лойиҳанинг 6 моддасида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади, дейилган. Фуқаролар йиғини раисларининг ваколат доираси кенгайиб борайтганини эътиборга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини беш йил муддатга сайлаш зарурат сезилмоқда. Шу боис юқоридаги моддаларга

фуқароларини тўлиқ билмади. Шу боис, ишчи гуруҳига маҳалла фуқароларидан сайланиши қайд этилса, дуруст бўларди.

Лойиҳанинг 15-моддасида эса фуқаролар йиғини раиси вазирасига номзодлар сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши кераклиги қайд этилган. Бу бандда сайлов кунигача қаида беш йил давомиди маҳалла ҳудудида яшаган фуқаро йиғин раиси вазирасига сайланиши мумкин, деган ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳабибулло АБДУЛИЕВ, Ақмак Икромов тумани "Шарқ Юлдази" фуқаролар йиғини раиси.

Халқаро кўрғазма

Кеча пойтахтимиздаги Республика Кўрғазмалар марказида "Medicina Uzbekistan-2004" 9-Тошкент Халқаро соғлиқни сақлаш кўрғазмаси очилди. Унинг ташкилотчилари ITE Group PLC Британия кўрғазмалари ва UzExproftoma компанияларидир. Кўрғазма фармацевтика ҳамда тиббиёт техникалари бўлимларига ажратилган. Унда Туркия, Германия, Ўзбекистон, Буюк Британия, Швейцария, Қозғистон, Россия, Франция, Покистон каби бир қатор мамлакатларнинг 50 га яқин компаниялари соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўз имкониятларини намойиш этдилар. Кўрғазмага қўйилган маҳсулотларнинг 20 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, бу хорижликларнинг мазкур соҳада Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқиши янада ортганини аналтади.

Уч кун давом этадиган "Medicina Uzbekistan-2004" Халқаро кўрғазмасига қўллаб қизқувчилар ташриф буюришган. Айни пайтда кўрғазма давомида тиббиётга оид долзарб мавзуларда бир неча семинарлар ўтказилиши мўлжалланган.

Шонра БОЙМУРОДОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

БОЗОР қачон деҳқон? Рўзга айланади?

Сурхондарёда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари етиштираётган маҳсулотларни сотишнинг амалий тизими яратилган эмас

Вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Абдулла Ашуровнинг айтишича, Сурхондарёда томоқчалар майдони — 57,744 гектар. Бу воҳада ҳам деҳқончилик қилинадиган ерларнинг қарийб бешдан бир қисмини ташкил қилади. Томорқа эгаларининг сони эса 300 мингдан кўпроқ.

Томорқа соҳибни тўпроқни эъозлаб меҳнат қилади, пивзнинг уругини олдинроқ ундириб, сўнг қўчатини битта-лаб ерга қадаб чиқади. Эрта кўқартирган зироатининг палагини совуқ урмасин, деб унинг ҳар бир тупи устига «бакалашка» кийгизиб қўйишдан ҳам эринмайди. Полиз жўягини одам бели баробар қазиб, ичини маҳаллий ўғитга тўлдирди. Иш якунида меҳнатига яраша ҳосил олади. Ҳусусан, ўтган йили томоқчаларда салкам 100 минг тонна дон, 187868 тонна сабзавот, 64426 тонна картошка, 24 минг тонна ҳўл мева етиштирилди.

Ҳа, етиштирилгани шунча. Бу маҳсулотнинг қанчасини томоқчининг ўзи истеъмол қилди-ю, қанчасини бозорга ё бошқа харидорга сотди. Статистика идоралари бунинг ҳисоб-китобини олиб боришмайди. Шунинг учун ҳам биз деҳқон ҳўжаликлари маҳсулотларининг олди-сотди бозорига тегишли ўзини билган мулоҳазаларни ўртага ташлашни лозим топдик.

Вилоят "Бозор" ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмаси таркибида 40 га яқин бозор бор. Уларнинг ақсарияти деҳқон бозорлари. Бирлашма раисининг муовини Тошмабат Абраматовнинг маълумотига кўра, бозорлардаги 4263 та ўрин деҳқонга мунтазир. Бундан ташқари, яна сақикзта бозордаги тайёрлов савдо корхонаси деҳқончилик маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланади. Улар деҳқон ҳўжа-

лиги билан шартнома тузади, бозорда ўтиришга вақти бўлмаганларнинг молини харид қилади. Бу яхши. Лекин, яна Абраматовнинг гапига кўра, ўша тайёрлов савдо корхоналари ўтган йили деҳқон ҳўжаликлари билан юзтадан кўпроқ шартнома тузиб, атиги 400 тоннага яқин маҳсулот тайёрлади. Бу — кам. Бу — биз деҳқоннинг мушқулини осон қилмоқ учун жавлон уриб ишляпмиз, дегани эмас.

Яқинда биз Жарқўрган тумани деҳқон бозорида сабзи, қарам сотиб ўтирган ва ўзини Боймуродов номи ширкат ҳўжалигиданман, деб таништирган Исмомил Маҳмудов исмли одам билан гаплашиб қолдик.

— Узингиз етиштирганмишисиз буларни? — деб сўраймиз ундан. — Мен эмас, бу сабзи ва қарамни пулим етиштирган, — дейди Маҳмудов қулиб. — Яширмоқдан нима? Деҳқондан оламан-да, сотаман.

— Расталарда деҳқон ҳам... борми? — деб сўраймиз яна. — Биттаси бор эди. Кетиб қопти, — дейди Маҳмудов теваракка қараб.

— Сигдирмагансизларки, кетиб қолган, — дейди Оққўрган қишлоқдан бозорга келган Жума Тожиев деган одам. Маҳмудовнинг гапини бозор маъмурларидан бири — Жаббор Мирзаевга айтдик. — Фақат биздами? Ҳамма бозорларда ҳам шу — деҳқон бозорларини олибсотарлар забт қилишган. Бу эски касаллиқни, билмадим, қандай тўзатса бўлар? — дейди Мирзаев.

Бозорлардан рўшқолик кўрмаётган деҳқонларнинг юқини "Вилоятматлубот-савдо" худудий акциядорлик компанияси бир қадар енгиллаштираётганга ўшайди. — Утган йили тегишли идоралар ор-

қали 88 минг тонна деҳқончилик маҳсулотини харид қилиб, истеъмолчиларга етказиб бердик, — дейди компаниянинг тайёрлаш ва сотиш бўлими бош мутасаддиси Мухаббат Нуруллаева. — 474 тонна маҳсулот Россиянинг шаҳарларига экспорт қилинган бўлса, 2720 тоннаси республикамиз вилоятларига жўнатилди. Волгоград вилоятининг Вольск шаҳрида «савдо ўйини» очмоқчимиз. Москвадаги «Савдо ўйини»нинг ишини йўлга қўямиз. Ямарқа савдоларидан бохабар туриб, бу йил ҳам катта режалар билан иш бошляпмиз.

Нуруллаеванинг бу гапи ҳам яхши. Лекин... — Биздаги тайёрлов савдо корхонаси ишламай қўйган, — дейди "Олтин-сойсавдо" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Имом Расулов. — Маҳсулот тайёрлайлик десақ, нақд пул йўқ. Деҳқон бўлса насияга кўнамайди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини хариди учун банк кредит бериши амрихоҳ.

— Чека бозорлардан ўрин олиш қийин. Сабаби — нақд пул йўқ. Транспорт харажати катта. Шунинг учун болалар боғчалари ва шифоналарни қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турибмиш, холос, — дейди Жарқўргондаги «Матлуботулгуржи» чаканасавдо» ҳиссадорлик жамиятининг тайёрлов идораси бошлиғи Фахриддин Чориев. — Томорқа эгалари ёмон ишлямади. Пайкаликдан гектаридан минг центнердан ошриб тарвуз, қарам, сабзи етиштиради. Шу меҳнатга, шу маҳсулотга мос бозор бизда, тўғриси, йўқ. Деҳқонга, айникса, йўли узоқ Сурхондарё деҳқонига бугун катта бозор керак.

Ҳўш, биз ўртага ташлаган мавзуга томоқча эгаларининг муносабати қандай? — Екамиз. Етиштирамиз. Лекин сотолмаймиз. Ҳеч илоҳи қолмаган, меҳнат қилиб, захмат чекиб етиштирган маҳсулотимизни сувтекинга бериб юборамиз, — дейди Ангор туманининг Қўзи Туланов номи ҳўжалигига яшовчи фуқаро Биноқул Авазов. — "Мирзо Олим" фермер ҳўжалигининг бир гектар ердаги сабзисини 10 март кун раҳбарларнинг қистови билан ҳайдаб юбордик. Деҳқоннинг меҳнатига ичим ачиди. Унинг юрагига плуг соғилгандай бўлдим, — дейди Қўмқўрган МТПсининг «Мағмул» ҳайдовчиси Фахриддин деган йигит. — Бир миллион сўм харажат қилиб, 50 тоннача баҳорги қарам етиштирувдим. Олибсотар «харидор» қилосини... беш сўмдан сўраб келтирдим. Бу меҳнатингни сувга оқизиш билан баробар эмасми? — дейди Олтинсойнинг Миршоди қишлоқидан Бобоназар Тошбоев. — Енгинангизда, ана, «EWS Сурхон» деган бугун вилоятнинг сабзавоти ва мевасини қўриқиб беришга чоғланган қўшма корхона бор. Қарамни ўшларга сотинг? — деймиз. — Тошбоев алам билан қўл силтайди. — Корхона сарқорлари деҳқоннинг маҳсулотини бозор нархидан ҳам пазайтириб олмақчи бўлишди. Ундан бизга наф йўқ, дейди. — Тошбоевнинг таассуфларидан таъсирланган, «SAWDVIR» русумли ноёб технология билан жиҳозланган, ишлаш чиндан ҳам деҳқоннинг молини қўчада қолдирмайдиган қўшма корхонанинг бугунги ишлари билан қўшамиз. Лекин унинг бугунги ишлари... «Мирзо Олим»нинг сабзи пайкали ҳайдаб ташлаган, неча озаб, минглаб Тошбоевлар қарамини сотолмай, овора бўлиб юрган ўша кўнларда Қўшма корхона ёпик, яъни ишламай турган экан. Бунинг са-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various countries and currencies, including Australia, Austria, Denmark, etc.

Ислохот ва самара

Бугунги кунда республикамизда автомобиль соҳаси истиқлолнинг инъоми сифатида таърифланмоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик, тинчлик, осойишталик, барқарорлик шарофати туфайли Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидек улкан автоиндустрия ишга туширилди. Бу давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қисқа муддатда барпо этилган Марказий Осиёда ягона автомобиль заводи бўлиб, халқимиз бундай кўлам ва суръатни қуришида ҳали кўрмаганидир. Бироқ бугун ишонч билан айта оламизки, бунинг учун бизда тағ-заминли пойдевор яратилган эди. Гап шундаки, мустақилликка эришганидан сўнг икки йил ўтiboқ, ўзбек автомобилсозлик корхоналари уюшмаси — «Ўзавтосаноат» дунёга келди. У тармоқнинг ақл-идроки ва юраги бўлиб қолди. 1998 йилда уюшма Халқаро автотранспорт ишлаб чиқарувчилар ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Бу йил эса «Автосаноат» ўн ёшга тўлган бўлса, «ЎзДЭУавто» конвейеридан биринчи автомобиль туширилганига эса, саккиз йил тўлди.



АВТОМОБИЛЬ индустриямизнинг истиқболли

«ЎзДЭУавто»да ҳозирга қадар 360 миңдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилиб, унинг 270 миңтаси мамлакат ички бозорига сотилди, 36 миңтаси экспорт қилинди. Компания ўз маҳсулотлари экспорт ҳажмини йилдан-йилга оширган ҳолда валюта тушумини янада кўпайтирмоқда. Утган давр мобайнида эса беш миңдан ортиқ олдй қишлоқ йиғитлари Жанубий Корея, Германия, Италия, Туркия ва Голландиядаги замонавий корхоналарда иш ўрганиб, маалаки муҳандис ва ички бўлиб қайтишлар.



то ҳиссдорлик жамияти нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан «Ўзавтосаноат» уюшмаси бундай ноҳушликларнинг олдини олиш, шунингдек, пул муомаласи тартиб-қоидасини бузадиган турли хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида тегишли жойларга бир неча марта муносабат қилди. Республика Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкда ушбу масала муҳокама қилиниб, автомобиллар савдосининг тартибга солиш ҳамда уларни сотишдан тушадиган пул маблағлари устидан назорат ўрнатилиш буйича ўзаро келишилган тасвиқлар тайёрланди. Уларни тазлик билан жорий этиш савдони такомиллаштириш билан бирга, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси каналларини тўсиш ва солиқ тўлашдан бош торттиш ҳолларига чек қўйишга ёрдам берди.

«Ўзавтосаноат» уюшмаси ҳуқуқматан доимий қўмағига таянган ҳолда тармоқни ривожлантириш учун янги ташкил этилаётган корхоналарнинг устив жамғармаларида қўйишга, шунингдек, узоқ муддатли кредит сифатида 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридики инвестицияларни эжаб этди. Уюшма корхоналарида 2003 йилда жами 300 миллион АҚШ доллари миқдоридики маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткични 500 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

«ЎзДЭУавто»нинг бундан ташқари «Ўзавтосаноат» уюшмаси билан бирга, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси каналларини тўсиш ва солиқ тўлашдан бош торттиш ҳолларига чек қўйишга ёрдам берди. «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти қалбаки омонат ҳисоб рақамлари орқали операциялар кўпроқ ўтказилганлиги аниқланган корхоналар билан дилерлик алоқаларини тўхтатиб, бироқ дилерлик корхоналари сонини камайтириш билан, муаммо ҳал бўлиб қолмади. Бунинг устига у автомобилларни ички бозорда сотиш ҳаммага салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятига путур етказди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, битта дилерлик корхонасини тайёрлашга 4-5 йил вақт кетади.

— Шавкат Аҳмаджонович, аввало корхонанинг шу йил биринчи чораги бўйича иш якунлари ҳақида сўзлаб берсангиз. — Мен, биринчи навбатда, 28 март 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри Буюрхо ва пойтахт вилоятларида ўз берган фожиаи воқеалар қалбимизни ларзага солгани ва у ҳеч қимми берафқ қолдирмаганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу терроризмнинг нақадар ҳавфли эканлигини, шу билан бирга, тинчлик ва хотиржамлик биз учун ҳақ даражада қимматли эканлигини яна бир бор кўрсатди. Бироқ, қора кўнларнинг ҳудудимизда вазиетни бекарорлаштиришга уришилари барбод бўлди. Мамлакатимиз ўзинга хос ва мос мустақил тараққиёт йўлини танлаган ва тарих гилдирагини ортага бўриб бўлмайд.

лаб чиқарувчи қўғинага мамлакатларда уларни кредитга сотиш асосий усуллардан бири ҳисобланади. Бизда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 декабрдаги 547-қарори асосида 2004 йилда Макроиктисодий сивасати амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатда узоқ муддат ишлатиладиган товарлар харидини кредитлиштириш кенгайтириш буйича республика Марказий банки, тижорат банклари, шунингдек, «Ўзавтосаноат» уюшмаси олдига аниқ вазифалар қўйилди.

— Автомобиль ишкисозлари орасида нарх арзонлашиши ҳақида миш-мишлар юрибди. Шу ростми? — Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш, шунингдек, қорхонанинг рентабеллик даражасини кўтариш буйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб боришмоқда. Шу муносабат билан компания автомобиллар нархини ўзгартиришни режалаштиратгани йўқ, бинобарин, ички бозордаги миш-мишлар ҳам асосийдир.

— Шунингдек, кейинги пайтда автомобиль қийматининг бир қисмини у ишлаб чиқарилишидан бир ой олдин тўлаш тартиби ҳам амалда қўлланилмоқда. Масалан, апрель ойида ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг 30 фоизини кўпроги март ойида сотилди. Янги 900 та автомобиль қийматининг 10 фоиз ҳақи дилерлар томонидан тўлиниб, «ЎзДЭУавто» ҳисоб рақамига ўтказилди.

— Шундай экан, автозаваднинг имкониятлари автомобилларнинг кредитга сотишга бўлган талабини қондира оладими? — «ЎзДЭУавто»нинг бизнес-режасида шу йилнинг иккинчи чорағида мамлакат ички бозори учун 9,7 миңта автомобиль ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Чакана нархларда 86 миллиард сўмлик шунча автомобиль тайёрлаш учун компания барча имкониятларга эга. Бизнинг тахминий ҳисоб-китобимизга кўра, банклар иккинчи чорағда аҳолига 26 миллиард сўмлик харид кредити ажратиб беришлар, шу муддатда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг 60 фоизини кредитга сотиш имкони бўлади. Бу эса банк кассаларига йилнинг иккинчи чорағида бошлангич бадал сифатида 26 миллиард сўм, шунингдек, 2-3 йил давомида кредит шартларида мувофиқ, кредит қолдигини қоплашни ҳисобга олган ҳолда, яна 30 миллиард сўм маблағ тушушини ташминлаган бўлир эди.

— Жорий йилда 70 миңта автомобиль ишлаб чиқариш ва унинг 30 миңтасини экспорт қилишни режалаштирармики. Ички бозорда автомобил иқтисоди 40 миңтага етказилди. Шу мақсадда савдони рағбатлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Бизнес-режада тахмин қилинган кўрсаткичларга эришилса, бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш суръати ўтган йилга нисбатан 148 фоиз ўсади.

— Ички бозорда автомобиль савдоси қандай ташкил қилинган? — «ЎзДЭУавто» автомобиллари савдоси билан ҳозир турли мулк шаклидаги 59 та дилерлик корхонаси шуғуланмоқда. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ва мамлакатимизнинг йирик аҳоли пунктларида жойлашган.

— Яқинда маҳаллий телекўрсатувлари бирда автомобилларнинг сотишда тўлов тартиб-қоидалари бир қатор дилерлик корхоналари, банк муассасалари ва турли ҳўжалик юртуручи субъектлар томонидан бўлиналгани назорат этилди. Сизнинг шу ҳақидаги фикрингизни биллишни истардик. — Автомобилларни юридик шахс ва ҳуқуқий тадбиркорларга чакана усулда сотиш, амалдаги қонунлардаги пул маблағларини банк орқали ўтказиш йўли билан нақд пулсиз, жисмоний шахсларга эса, банк харид кредити, пластик қарорлар, шунингдек, фуқароларнинг банкдаги омонат ҳисоб рақамларидан ўтказиш йўли билан нақд пул тўлаш усулида амалда оширилди. Афсуски, банк тизимидаги мавжуд қамчиликлар, жумладан, ҳуқуқий тадбиркорларга ва жисмоний шахсларга нақд пул беришдаги турли чеклашлар айрим сохта тадбиркорларнинг банк тузилмалари орқали ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг ҳар хил шўбҳали шаклларида фойдаланилишига олиб келмоқда. Улар автомобиллар бозорининг чаққонлиги ва қатта пул тушушини ҳисобга олиб, «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти маҳсулотларидан иккиламчи бозорда маблағларини нақд пулга айлантириш мақсадида фойдаланишмоқда. Айрим дилерлик корхоналари худимлари ҳам ўз вазифаларини суиистемол қилганларидан ҳам кўра юмиб бўлимади.

— Маҳсулот экспорти тўғрисида сўзлаб берсангиз... — Ҳозирги вақтда «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Саратов, Новосибирск, Екатеринбург, Киев, Олмаота, Кишинёв каби йирик шаҳарларда 20 дан зиёд минтақавий ва шўба корхоналари ишлаб турибди. Улар ўзлари жойлашган мамлакат қонунлари асосида ташкил этилган бўлиб, мустақил юридик шахс ҳисобланади. Мақсад савдонини яхши йўлга қўйиш, сотишдан олдинги ва кейинги сервис хизматини кўрсатишдир. Россия Федерациясидаги минтақавий корхоналарга 2003 йилдан бошлаб автомобилларимиз ягона битим шартлари ва биринчи классли Европа банки томонидан тасдиқланган, ҳақи 90 кун давомида ёки ўз фоиз олдиндан тўланадиган, қақириб олинмайдиган ҳужжатли аккредитив шартли билан тузилмадиган олдй-соти шартномаси асосида жўнатилмоқда. Бундай иш тақрибаси автомобилларни ҳаммама бюртма буйича бир маромда ва тез жўнатиш имкони беради ҳамда етказиб бериладиган маҳсулот учун маблағларнинг ўз вақтида ва қаролталй келиб тушишини таъминлайди.

— Сотишнинг бундай усули олдтада йирик ҳўжирий ишлаб чиқарувчилар томонидан кенг қўлланилади. Сабаби — бунда харидор автомобилнинг ранги, модели ва бошқа жиҳатларига оид таъкид-истакларини олдиндан айтиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун 2004 йил охирига маҳсулотнинг тўла ҳақини у ишлаб чиқарилишидан 1-2 ой олдин олишга ўтиш компаниянинг асосий стратегик мақсадларидан биридир.

— Янги моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш ёки мавжудларига янгиликлар киритиш мўлжалланаяптими? — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделларни ўзлаштириш ва мавжудларига янгиликлар киритиш стратегияси ишлаб чиқилган, албатта. Чунки, 2003 йил сентябрдан «Ласетт» русумли автомобиль ишлаб чиқарила бошланди. У «Нексия»га нисбатан замонавий дизайнга эга ва анча юқори классли ҳисобланади. Ҳозиргача ишлаб чиқариладиган бундай автомобиллар 300 тадан ошди.

— «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделларни ўзлаштириш ва мавжудларига янгиликлар киритиш стратегияси ишлаб чиқилган, албатта. Чунки, 2003 йил сентябрдан «Ласетт» русумли автомобиль ишлаб чиқарила бошланди. У «Нексия»га нисбатан замонавий дизайнга эга ва анча юқори классли ҳисобланади. Ҳозиргача ишлаб чиқариладиган бундай автомобиллар 300 тадан ошди.

— Ички бозорда автомобиль савдоси қандай ташкил қилинган? — «ЎзДЭУавто» автомобиллари савдоси билан ҳозир турли мулк шаклидаги 59 та дилерлик корхонаси шуғуланмоқда. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ва мамлакатимизнинг йирик аҳоли пунктларида жойлашган.

— Янги моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш ёки мавжудларига янгиликлар киритиш мўлжалланаяптими? — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделларни ўзлаштириш ва мавжудларига янгиликлар киритиш стратегияси ишлаб чиқилган, албатта. Чунки, 2003 йил сентябрдан «Ласетт» русумли автомобиль ишлаб чиқарила бошланди. У «Нексия»га нисбатан замонавий дизайнга эга ва анча юқори классли ҳисобланади. Ҳозиргача ишлаб чиқариладиган бундай автомобиллар 300 тадан ошди.

— Янги моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш ёки мавжудларига янгиликлар киритиш мўлжалланаяптими? — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделларни ўзлаштириш ва мавжудларига янгиликлар киритиш стратегияси ишлаб чиқилган, албатта. Чунки, 2003 йил сентябрдан «Ласетт» русумли автомобиль ишлаб чиқарила бошланди. У «Нексия»га нисбатан замонавий дизайнга эга ва анча юқори классли ҳисобланади. Ҳозиргача ишлаб чиқариладиган бундай автомобиллар 300 тадан ошди.

